

## **QUESTIONS OF INDUSTRIAL ACTIVITY AND PRODUCTIVITY AT THE INDUSTRIAL ENTERPRISES**

**Olim Sabirovich Kazakov**

Candidate of Economic Sciences, Professor, etc.

Department of Management

Namangan Institute of Engineering Technology,

[olimkzkv@gmail.com](mailto:olimkzkv@gmail.com)

**Sodikov Sodikjon**

Magistrant

Namangan Institute of Engineering Technology

[sodiqjon6151@mail.ru](mailto:sodiqjon6151@mail.ru)

**The summary.** In article questions of development of industrial activity at the industrial enterprises in the conditions of economy globalisation are studied. The basic directions of increase of productivity at the industrial enterprises are recommended.

**Keywords:** economy, economy development, the industrial enterprise, efficiency, productivity, the income, quality, productivity

## **САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИ ВА НАТИЖАДОРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ**

**Олим Сабирович Казаков**

Иқтисод фанлари номзоди, профессор в.б.,

Менежмент кафедраси

Наманган мухандислик технология институти

[olimkzkv@gmail.com](mailto:olimkzkv@gmail.com)

**Содиков Содикжон Баходир ўғли**

Magistrant

Наманган мухандислик технология институти

[sodiqjon6151@mail.ru](mailto:sodiqjon6151@mail.ru)

**Аннотация.** Мақолада иқтисодиётни глобаллашуви шароитида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш масалалари ўрганилган. Саноат корхоналарида натижадорликни оширишнинг асосий йўналишлари таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодиёт, иқтисодиётни ривожлантириш, саноат корхоналари, самарадорлик, натижадорлик, даромад, сифат, унумдорлик.

**Introduction.** Жаҳон мамлакатларида иқтисодиётни барқарорлаштириш унинг муҳим соҳаси хисобланган саноатни ва саноат корхоналарининг ривожланиши билан боғлиқдир. Саноат корхоналарининг ривожи ундаги ишлаб чиқариш самарадорлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мамлакатимиз саноатининг ишлаб чиқариш корхоналарига ва уларнинг ривожига жуда катта талаблар қўйилган. Мулкчилик шаклидан қатъий назар, ҳалқ учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва хизмат кўрсатадиган саноат корхоналари ҳар томондан ривожланиб бориши зарур. Саноат корхоналарига инвестицияларни биринчи навбатда йўллаш, уларни хом ашё ва кредит ресурслари билан узлуксиз таъминлаш мамлакатимиз раҳбариятининг бугунги кундаги устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу йўналишларни амалга ошириш натижасида саноатимизни харидорларимизнинг юксак дидларига жавоб берадиган юқори сифатли ҳалқ истеъмоли моллари

ишлиб чиқаришга қараташ талаб килинади. Замонавий истеъмол моллари ишилб чиқарадиган янги корхоналарни янада жадалроқ ташкил қилиш, аҳоли талабларининг бозордаги талаб ва таклифнинг ўзгаришини тез пайқаб оладиган саноат корхоналари фаолияти учун кенг майдон очиб бериш лозим.

Шу билан биргаликда, саноат корхоналарининг даромадларини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишилар етарли эмас ва бунинг натижасида айрим корхона ва ташкилотлар молиявий жихатдан барқарор эмас. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши учун саноат корхоналаридаги ишилб чиқариш самарадорлигини орттириш, улар оладиган даромадларини янада кўпайтириш лозим. Саноат корхоналари даромадларини орттириш маҳсулот сифатига, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот ишилб чиқариш таннархи, корхонада фойдаланиладиган иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги каби муҳим кўрсаткичларни яхшиланишига, бозорни ракобатбардош ва ҳаридоргир маҳсулотлар билан тўлдиришга имкон беради. Иқтисодиётни глобаллашуви шароитидаги биринчи даражадаги вазифалар қаторига хўжалик юритувчи субъектлар ишилб чиқариш самарадорлигини юқори даражада орттириш ҳамда улардаги мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали тарзда фойдаланиш ва унумдорликни орттириш каби вазифалар чиқиб келмоқда. Ишилб чиқариш самарадорлиги саноат корхоналаридаги натижадорликка ҳамда даромад даражасига ҳам кўп жихатдан боғлиқдир. Шу сабабли, саноат корхоналари натижадорлигини ҳамда даромадларини ошириш тараққиётнинг ҳозирги давридаги энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

**Main part.** Саноат ишилб чиқариш корхонасининг фаолиятида ишилб чиқариш марказий ўринни эгаллайди. Ишилб чиқариш меҳнат куроллари, меҳнат буюмлари ва меҳнатнинг биргаликдаги харакатидан юзага келади. Бошқарув обьекти сингари ишилб чиқариш ҳам динамик равишда ривожланиб борувчи тизимдир. Ундаги меҳнат куроллари, меҳнат буюмлари ва меҳнат элементлари бир-бири билан алоқададир ҳамда бир-бирига боғлиқдир. Улар ҳар бир бўлимнинг ички ўзгарувчилари билан ҳамда ташки муҳит билан аниқ ва мақсадга мувофиқ муносабатларни талаб қиласди.

Саноат корхоналаридаги асосий ишилб чиқаришга тўғридан-тўғри режада кўрсатилган ёки шартномаларда кўзда тутилган маҳсулотлар ишилб чиқариш билан шуғуланаётган бўлимлар киради. Саноат корхонасидаги барча бўлимларнинг фаолияти асосий ишилб чиқариш жараёнидаги фаолият билан боғлиқдир. Тўқимачилик ишилб чиқаришида асосий ишилб чиқаришга йигирув, тўқув ва буёқ-пардозлаш бўлимлари киради. Асосий ишилб чиқаришнинг ушбу бўлимлари корхонадаги ёрдамчи ишилб чиқариш ҳисобланган таъмирлаш бўлими, энергия таъминоти, буғ-сув таъминоти бўлимлари билан ўзаро муносабатларга киришади.

Саноат ишилб чиқариш корхоналарининг даромадлилиги даражаси ундаги ушбу ишилб чиқариш бўлимларига ва уларнинг ишилб чиқариш тузилмасига кўп жихатдан боғлиқ. Ишилб чиқариш тузилмаси деб бу бўлимларнинг умумий ишилб чиқариш жараёнида тутган ўрнига айтилади. Ишилб чиқариш тузилмаси доимий равишда ўзгариб, ривожланиб борадиган тизимдир. Унинг ўзгаришга таъсир этувчи омиллар ишилб чиқариш самарадорлиги нуктаи назаридан ишилб чиқариш структурасига таъсир кўрсатадилар. Ишилб чиқариш структурасига даромадлилик ва уни ошириш нуктаи назаридан кўплаб омиллар таъсир кўрсатадилар. Бу тузилмага таъсир кўрсатувчи омилларнинг муҳимлари куйидагилардир:

1. Ишилб чиқариш хажми.
2. Технологик жараён мураккаблиги.
3. Ходимлар сони.
4. Дастгохлар таркиби.
5. Ишилб чиқариладиган маҳсулот тури.

Тўқимачилик корхоналарида даромад даражасини олиб борадиган бўлимлар фаолиятини таҳлил қилиш натижасида баъзи бир бўлимларни ташкил этиш зарурлигига ишонч ҳосил қиласди. Ҳозирги вақтда кўплаб тўқимачилик корхоналарида ахборотларнинг системалаш бўлими ташкил этилмаган, ҳар бил бўлимга кўплаб микдордаги ахборотлар тўхтовсиз равишда келади. Улар ичида ушбу бўлим учун аҳамиятсиз ҳисобланган маълумотлар ҳам кўп бўлади. Ушбу ахборотлар бўлим раҳбар ва аъзоларининг кўп вақтини олади, уларнинг асосий самарали фаолиятдан чалғитади. Шу сабабли, тўқимачилик корхоналарида ахборот ва турли маълумотлар билан ишлаш ва уларнинг

системалаш бўйича мутахассислардан иборат бўлган ахборотларнинг системалаш бўлимини ташкил этишни тавсия киламиз. Ушбу бўлимдаги ҳар бир ходим, бошқа бўлимлардаги кўплаб ходимларнинг қимматли ва юқори унумли вақтларини тежайди ва корхоналар даромади хажмини ортиришга катта хисса қўшади.

Саноат ишлаб чиқаришининг даромадлилиги даражаси уни ўраб турган тизимга, таъсир этувчи кучларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхонасидаги барча фаолият самарали фаолият бўлиш томонга ҳаракатланади ва бу фаолият асосий ишлаб чиқаришга томон йўналтирилади. Самарали фаолият ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга мўнжалланади. Бу эса асосий ишлаб чиқариш орқали амалга ошади, корхонадаги барча фаолият, жумладан ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш, ёрдамчи ишлаб чиқариш, транспорт хизмати ва омбор хўжаликлари, моддий-техник таъминотни бажариш бўлиmlари, иқтисодий бўлиmlар, маркетинг бўлими, илмий-тадқиқот бўлиmlари барчаси асосий ишлаб чиқаришга йўналтирилади ва уларнинг мақсади асосий ишлаб чиқаришда даромадлиликни таъминлаш ҳамда бу орқали самарадорликни оширишdir. Барча бўлиmlарнинг мақсадлари асосий ишлаб чиқаришдаги асосий ишлаб чиқаришнинг мақсадига йўналтирилиши лозим.

$$M_{\text{е}} + M_{x\cdot k} + M_k + M_{t\cdot t} + M_{\text{икт}} + M_{\text{мар}} + M_{\text{итт}} \longrightarrow M_{\text{аичм}}$$

бу ерда :  $M_{\text{е}}$  – ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлиmlаринг мақсади;

$M_{x\cdot k}$  – хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариши бўлиmlарнинг мақсади;

$M_k$  – қўшимча ишлаб чиқариш бўлиmlарнинг мақсади;

$M_{t\cdot t}$  - техникавий тайёрлаш бўлиmlари мақсади;

$M_{\text{икт}}$  – иқтисодий бўлиmlар мақсади;

$M_{\text{мар}}$  – маркетинг бўлиmlари мақсади;

$M_{\text{итт}}$  - илмий тадқиқот бўлиmlари мақсади;

$M_{\text{аичм}}$  - асосий ишлаб чиқариш мақсади.

Саноат ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи барча бўлиmlар корхонадаги асосий ишлаб чиқаришга ва унда тайёрланадиган маҳсулотлар ва хизматларнинг сифатли бўлишига ҳамда режаларда ва ўзаро тузилган шартномаларда кўзда тутилган хажмдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Бу бўлиmlардаги фаолият асосий ишлаб чиқариш фаолиятига мувофиқлаштирилади. Бу тизим самарали фаолиятга асосланади ва натижаси ишлаб чиқариш самарадорлиги бўлади. Бу кўрсаткичлар эса даромадлилик орқали таъминланади.

**Results and discussion.** Ишлаб чиқариш корхонаси оладиган даромад ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқнинг йўқотиши ҳисобга олган холда тавсифлайди. Ижтимоий-иктисодий самарадорлик бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш, корхонанинг муваффақиятли фаолият юритиш, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва унинг барча қобилиятларидан фойдаланиш ва натижаси ҳисобланади.

Даромад ва самарадорлик орқали корхона ўзининг бозордаги ҳолатини яхшилайди, рақобатга бардош бера оладиган бўлади, ходимларнинг ахволини яхшилашга ва катта миқдордаги фойдага эга бўлишни таъминлайди. Даромад ва фойда ишлаб чиқаришнинг якуний натижалари ҳисобланади ва бошқарув фаолиятида уларга алоҳида эътибор қаратилади. Ишлаб чиқаришнинг якуний натижалари максимум тарзда ижобий томонга ўзгарирадиган натижани таъминлайдиган усул ва воситаларни кўллашни мақсад қилиб олган ишлаб чиқаришни бошқаришга илмий йўналиш заруриятга айланди.

Иқтисодий адабиётда корхона фаолиятининг якуний натижаси ҳисобланган даромад ва фойдани ошириш мақсадида бошқарувни такомиллаштириш бўйича муҳим йўналишлар тадқиқ қилинади. Аммо, бу тадқиқотларнинг кўпчилигига ушбу йўналишлар хўжалик механизмини юритиш тизими билан боғланмаган холда таҳлил қилинган, сўнгги якуний натижага эришишга йўналтирилмаган.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида саноат корхоналарининг бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг самарали йўналишларини аниқлаш учун мавжуд тизимнинг ўзига хос ҳусусиятларини яхши билиш зарур.

**Conclusions.** Фикримизча, иқтисодиётни ривожлантиришда саноат корхоналари фаолиятида даромадлиликни ва натижадорлиликни ошириш масалаларига самарали бошқарув нұқтаи назаридан жиддийроқ әътибор қаратиш лозим деб үйлаймиз. Бу үринде күйидаги ишларни амалға ошириш лозим:

- саноат корхоналари ўз фаолиятларини ривожлантириш ҳамда натижадорлиликни яхшилаш учун мавжуд барча ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишга қўшимча имкониятлар яратиш ва муттасил равища амалға ошириш;

- даромад ва натижадорлиликни ошириш мақсадида муттасил равища амалға ошириш олиб блорадиган маслаҳат марказларини ташкил этиш;

- бу йўналишларда илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган олимлар билан хамкорлик ишларини ташкил этиш;

- иқтисодиётни ривожлантиришда саноат корхоналари фаолиятида барча ресурсларидан самарали фойдаланишни амалға оширишда маълумотлар базасини шакллантириш;

Ушбу муҳим йўналишлар амалға оширилса, иқтисодиётни ривожлантиришда саноат корхоналари фаолиятида натижадорлиликни яхшилаш йўналишида катта имкониятлар яратилади ва шу билан биргаликда, саноат корхоналари фаолиятини ривожлантиришда бошқарув самарадорлиги асосий ўринни эгаллайди. Бу эса, саноат корхоналарида натижадорлиликни яхшилаш йўналишида қабул қилинган қарорларнинг самарали бўлиши билан бирга, саноат корхоналарининг самарадорлигини янада оширади ҳамда иқтисодиётни ривожлантиришда саноат корхоналарининг барча фаолият турларини ташкил этишни, ривожланиши ва рентабеллигини таъминланишига олиб келади ва шу билан бирга иқтисодиётимиз учун истиқболли соҳалар ривожланиб, мамлакатимиз тараққиётини янада юқори босқичларга кўтаради.

## **Адабиётлар**

### **References**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Тошкент, «Ўзбекистон», 2022 йил.
2. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: IQTISOD - MOLIYA, 2008. 340 с.
3. Ristovska Katerina, Ristovska Aneta, Conference paper, “The impact of globalization on the business”
4. Olim Sabirovich Kazakov,&Ilhom Mahamadjanovich Kamoliddinov. (2021). SOME QUESTIONS OF INCREASE OF EFFICIENCY IN ACTIVITY ENTERPRISE SUBJECTS. Journal of Central Asian Social Studies, 2(01), 160-169. <https://doi.org/10.37547/jcass/volume02issue01-a24>
5. Kazakov O. (2020). КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ. Архив научных исследований, 1(2).извлечено от <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/3729>
6. Kazakov, O. S., & Ahmedkhodjaev, X. T. (2017). Fundamentals of management. Tashkent, Ilm-Ziyo.
7. Lutfulla Xabibullayevich Ubaydullayev, & Bakhtiyor Nabijanovich Dedajanov. (2021). THE DIGITAL ECONOMY: ADVANTAGES AND RISKS. Journal of Central Asian Social Studies, 2(01), 153-159. <https://doi.org/10.37547/jcass/volume02issue01-a23>
8. Catter III, J.J., Kidwell, R.E. (2014). Function, governance, and trust in successor leadership groups in family firms. Journal of Family Business Strategy, 5(3), 217-228. doi: 10.1016/j.jfbs.2013.06.001.
9. Семейный бизнес или что такое хорошо и что такое плохо // Помощь бизнесу. -<http://bishelp.ru/>
10. Chrisman, J. H., Chua, J. J., Sharma, P. (1998). Important Attributes of Successors in Family Businesses: An Exploratory Study. Family Business Review, 11(1), 19–34. doi: 10.1111/j.1741-6248.1998.00019.
11. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2016, – 1056 с.
12. Nabijanovich, D. B. (2019). Issues of support and stimulation of exporting enterprises and ways of their elimination. AmericanJournalofEconomicsandBusinessManagement, 2(3), 44-56.

13. Казаков О.С.Improving the management activity of the fruit and vegetable industry . Журнал “Theoretical & Applied Science”№ 12/ 2018enterprises.
14. Казаков О.С. The Role of the Textile Industry in the Economy of UzbekistanЖурналAsian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN: 2249 –0892 Vol9 Issue–2, Dec -2019
15. Kazakov O. (2020). КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ. Архив научных исследований, 1(2).извлечено от <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/3725>
16. Катькало В.С., Панибратов А.Ю. Основы бизнеса: Учебник. –СПб.: Издат. дом С.-Претерб. гос. ун-та, 2006. – 290 с.
17. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002. – 365 б.
18. Эндрю Харгалон. “Управление инновациями. Опыт ведущих компаний” Учебник.-М.: ООО “И.Д.Вильяма”. 2007-304с.
19. Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.
20. [www.agro.uz](http://www.agro.uz) сайти маълумотлари.
- 21.